# ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТЛИ ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИНИ ҲАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИ БИЛАН ДАВОЛАШДА ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ НАТИЖАЛАРИ

Н. С. Мамасолиев,
И. Р. Асқаров,
Н. С. Хакимов,
Б.У. Усмонов
Андижон давлат тиббиёт институти

**Долзарблиги**

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ва Президент Ш.М.Мирзиёевнинг бошқа қатор Қарор ва Фармонларида анъанавий тиббиётни халқ табобатининг усуллари билан мақсадли ва самарали тўлдиришнинг янги йўналишларини яратиш ҳақида амалий фаолиятга жорий қилиш масалалари долзарб илмий ва амалий мавзу қилиб белгиланган. Шунинг учун, синтетик ВҚП лар ўрнини боса оладиган (хавфсиз, нохуш таъсири йўқ бўлган, арзон, экологик тоза, табиий биологик фаол бирикмалар сақлаган, шифобахш ўсимликлар асосида яратилган, иқтисодий самарадор) доривор препаратларни яратиш, ҳамда уларни амалий фаолиятга жорий қилши бўйича илмий тадқиқотлар зарурият ва долзарб хисобланади.

**Изланишнинг мақсади.** Ижтимоий аҳамиятли жигар касалликларини ҳалқ табобати усуллари билан даволашда янги топилмалар ва улардан фойдаланиш натижаларини ўрганиш ва баҳолаш.

**Изланиш материаллари ва усуллари.** Тадқиқотга 18-74 ёшли сурункали гепатит ва жигар циррози билан клиник шифохоналарда даволанган эркак ва аёллар популяцияси ўрганилди. Текширув базасида даволанган 20 та ИАЭЖК билан беморда (сурункали гепатитлар) ва улар негизида ривожланган вирусли жигар циррозларида, “Аскальций”, “Шифои Мархабохон” ва “Асшифо” табий озиқ-овқат қўшимчалари (ООҚ) қўлланилди ва тахлил ыилинди. Текширилган популяцияда, умумқабул қилинган биокимёвий усуллар, биокимёвий лаборатор, инструментал текширув усуллари бажарилиб амалга оширилди.

**Изланиш натижалари.** Олинган натижалар баҳоланди ва қуйидагилар тасдиқланди: ООҚ билан даво курси қўлланилгандан кейин, гемоглобинни 7,4 фоизга ўсиши кузатилди, эритроцитлар миқдори 6,6 фоизга ошган, лейкоцит-лар миқдори 2,4 фоизга ва ЭЧТ – 10,8 фоизга камайган. Шундай тенденция қоннинг биокимёвий кўрсаткичларида ҳам тасдиқланди. Вирусли гепатит билан беморларни 16 тасида (80,0

фоиз) ФООҚ билан 3 ойлик даволаш курсидан сўнг вирус бартарафланганКелгуси 2 йил давомидаги кузатувда рецидив ҳолати ва касалликнинг асоратлари кузатилмаган.

**Хулоса.** Тасдиқландики, вирусли гепатит – цирроз билан беморларни табиий биологик фаол қўшилмалар – Аскальций", Шифон Мархабохон" ва "Асшифо" билан даволаш юқори самара беради ва хавфсиз ҳисобланади.